

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
24/30.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА» АЖ

ЎРМОНОВ АСҚАРАЛИ ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ

**ФАРҒОНА БОТИҚЛИГИНИ СТРУКТУРАВИЙ-ТЕКТОНИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КАЙНОЗОЙ ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ
НЕФТЬ-ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИЛИГИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Геология-минералогия фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по геолого-минералогическим наукам**

**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)
of geological and mineralogical sciences**

Ўрмонов Асқарали Ҳайдаралиевич Фарғона ботиклигини структуравий-тектоник хусусиятлари ва кайнозой ётқиқларининг нефть-газга истиқболлилиги.....	3
Урмонов Асқарали Ҳайдаралиевич Структурно-тектонические особенности и перспективы нефтегазоносности кайнозойских отложений Ферганской впадины.....	25
Urmonov Askarali Haidaralievich Struktural and tektonik features and prospects for oil and gas potehtial of the Cenozoik deposits of the Fergana depression.....	47
Нашр қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
24/30.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА» АЖ

ЎРМОНОВ АСҚАРАЛИ ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ

**ФАРҒОНА БОТИҚЛИГИНИ СТРУКТУРАВИЙ-ТЕКТОНИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КАЙНОЗОЙ ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ
НЕФТЬ-ГАЗГА ИСТИҚБОЛЛИЛИГИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.DSc/GM38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ўзбекгеофизика» АЖда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ing.uz) ва “Ziyounet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Бабаджанов Тошпулат Лепесович**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Долгополов Феликс Геннадьевич**
геология-минералогия фанлари доктори

Хайитов Одижон Гафурович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Максудов Сабит Хамидович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Мирзо Улуғбек номидаги**
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси “Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти” Давлат муассасаси ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 31 » январ соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, 507к; e-mail: igimigm@ing.uz).

Диссертация билан “Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти” Давлат муассасасининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4393 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64Б-уй, e-mail: igimigm@ing.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил « 7 » январ куни тарқатилган.

(2024 йил « 15 » ноябрдаги 89 рақамли реестр баённомаси).



Т.Х. Шоймуротов
Илмий даражалар бериш бўйича
илмий кенгаш раиси, г-м.ф.д., к.и.х.

М.Г. Юлдашева
Илмий даражалар бериш бўйича илмий
кенгаш илмий котиби, г-м.ф.д., к.и.х.

А.Н. Богданов
Илмий даражалар бериш бўйича
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, г-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда 400 га яқин нефт ва газ чўкинди хавзалари аниқланган бўлиб, 130 та хавзанинг геологик тузилишида кайнозой чўкиндилари иштирок этади, шундан 54 та хавзада улар углеводород қазиб олинмаган асосий саноат миқёсидаги мажмуа ҳисобланади. Лекин, узоқ муддатли эксплуатация қилинаётган нефт ва газ хавзаларида нефт ва газ қазиб чиқариш ва уларнинг захираларини ўсиш суръатларини камайиши кузатилмоқда, аммо ҳар қандай давлат иқтисодиётини ривожлантиришда углеводород хом ашёсининг ўрганилган ва аниқланган захираларини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, углеводородлар қазиб олишни кўпайтириш мақсадида юқори истиқболли кайнозой ётқизиқларининг структуравий ва тектоник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда геология-қидирув ишларини кучайтириш нефт ва газ геологиясининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтириш технологияси ва янги истиқболли структураларни излаш билан бир қаторда, узоқ муддат ишлатилаётган нефть-газ конларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича турли йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, геология-геофизика йўналишида УЧНУ-3D сейсмик қидирув ишлари натижаларини қайта ишлашда замонавий тўлиқ азимутал миграция дастурини қўллаш; сейсмик маълумотларнинг структуравий, стратиграфик, динамик, инверсиялар ва AVO-таҳлиллар каби босқичларини такомиллаштириш мақсадида инновацион дастурий воситаларни жорий қилиш ва ўзлаштириш; УЧНУ-3D сейсмик қидирув, кудуқларни геофизик тадқиқ (ҚГТ) қилиш, чуқур бурғилаш билан бир қаторда излаш ва ишлатиш; кудуқлар жойлашувини оптималлаштириш мақсадида углеводородлар уюмларининг ишончли уч ўлчамли геологик-геофизик моделларини тузишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада геофизика ва бурғилаш каби геология-қидирув ишлари ҳажмини ошириш ҳисобига ёқилғи-энергетика салоҳиятини мустаҳкамлаш ва углеводород минерал-хомашё базасини мустаҳкамлаш борасида маълум илмий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида қуйидаги вазифалар белгиланган: “.....ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни сифат жиҳатидан янги даражага ўтказиш орқали соҳани технологик диверсификациялашни оширишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш¹”. Шунга асосланиб, углеводородлар хом ашё базасини ўстириш мақсадида Фарғона ботиқлиги кайнозой комплекси жинсларининг нефть-газга истиқболлилигини асослаш, олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, нефть ва газнинг янги уюмларини прогноз қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси ёнилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон Фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2755-сон «Ўзбекистон Республикасининг нефть ва газга бой Устюрт минтақасида геологик-қидирув ишларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 03 ноябрдаги ПҚ-3372-сон «2017-2021 йилларда «Ўзбекнефтгаз» АЖ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 09 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ-4522-сон «Нефть ва газ геологик-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ қарорларида, ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзусидаги хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Кайнозой даври ётқиқиқларининг геологик-тектоник тузилиши ва нефтгазга истиқболли тутқиқлар истиқболларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи нефть компаниялари, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлирида, шу жумладан: Petrovietnam Exploration and Production corporation (Вьетнам), American Petroleum Institute (США), China University of Petroleum (Хитой), И. М.Губкин номидаги Россия Давлат университети, Россия Фанлар Академияси Сибир филиалининг нефть геологияси ва геофизика институти, Бутун россия нефть геологияси илмий-тадқиқот институти ВНИГНИ, Россия Фанлар Академиясининг нефть ва газ муаммолари институти, Қозон Давлат университети (Россия) ва Socar (Озарбайжон) нефть ва газ ИТИИ, К.И.Сатпаев номидаги Қозоғистон миллий тадқиқот техника университети, шунингдек нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув институти "ИГИРНИГМ" (Ўзбекистон) олиб борилмоқда .

Бутун дунёда Кайнозой ётқиқиқларининг нефть-газга оид истиқболларини ўрганишга доир олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий ва амалий натижалар олинган, жумладан: кайнозой жинсларида турли хил нефть ва газ конлари топилган (МИНХ, Газпром, Роснефть,

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида тайёрланган:<http://elsevierscience.ru/products/scopus>; <http://elsevierscience.ru/products/science-direct>

Россия); бу конларнинг турли генезислари, моддий таркибли ва ёшидаги жинсларга боғлиқлиги, коллекторлар турлари ва жинсларнинг фильтрация-сигим хусусиятлари аниқланган (China University of Petroleum, Хитой; Chevron, АҚШ; Геология ва нефть ва газ иши институти - Қозоғистон); чўкинди хавзаларнинг плитотектоник моделлари яратилган ва улардаги турли хил тутқичлар башорат қилинган (ВНИГНИ, Россия); нефть ва газ тутқичларини нефть ва газ билан тўйинганлигини башорат қилиш учун геофизик усуллар мажмуаси ишлаб чиқилган (Миллий Фанлар Академияси геология ва геофизика институти, Қирғизистон; НИПИНефтгаз “SOCAR”, Озарбайжон); табиий шароитда седиментация жараёнларининг турли босқичлари билан боғлиқ фойдали қазилма конларининг келиб чиқиши аниқланган (Миллий Фанлар Академияси Геология Институти, Қирғизистон); кўплаб турли хил нефть ва газ конларининг уч ўлчамли моделлари тузилган ва геология қидирув ишларининг кейинги самарадорлик йўналишлари белгилаб берилган («Ўзбекгеофизика» АЖ; Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон).

Дунёда кайнозой эраси жинсларининг нефть ва газга истиқболлигини баҳолаш соҳасида бир қатор устувор йўналишлар орқали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, шу жумладан: нефть ва газ уюмларининг уч ўлчовли геологик моделини тузиш; ноантиклинал тутқичларни прогноз қилиш ва излаш услубларини ишлаб чиқиш; керн материалларини ва фильтрация-сигим хусусиятларини геофизик усуллар билан баҳолаш ва сифатини ошириш; дарзли коллекторларни геофизик усуллар комплексини қўллаш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш, углеводородларнинг тўпланиши учун қулай бўлган терриген ва континентал фациялардаги тутқичларни прогноз қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фарғона ботиклигининг геологик тузилишини ўрганиш дастлаб уни ўраб турувчи тоғларда бажарилган йўналишли геологик тавсифлар маълумотларидан бошланган. 1900-йиллардан В.Н. Вебер, Д.В. Голубятников, В.Д. Соколов, В.А. Обручев, К.П. Калицкий ва б. томонидан бутун Фарғона водийси 1:500 000, 1:200 000 ва айрим майдонлар 1:50 000 масштабдаги геологик тасвирлаш билан қамраб олинган.

Мезо-кайнозой ётқизикларининг геологик тузилиши тектоникаси, стратиграфияси ва уларнинг нефть-газлилигини ўрганишга: А.М. Акрамхўжаев, А.А. Обидов, П.К. Азимов, А.Г. Бабаев, П.П. Василковский, О.С. Вялов, А.М. Габрильян, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, А.Д. Джумагулов З.С. Ибрагимов, Р.У. Каломазов, Э.А. Мамаджанов, Ш.Г. Саидхўжаев, М.С. Сайдалиева, Б.Б. Ситдиқов, С.Н. Симаков, В.И. Попов, О.А. Рижков, А.Р. Хўжаев, М.Э. Эгамбердиев, С.С. Шульц ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Нефть-газ геологиясига бевосита алоқадор бўлган кўплаб илмий ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишга ИГИРНИГМ, ВНИГНИ, ВНИГРИ, ВНИИГАЗ, ИГИРГИ, СредАзНИПИнефт ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари жамоалари ҳисса қўшганлар. Ўзбекистон ҳудудида нефть ва газ конларини очиш ва захираларини

Ўстириш барча учун умумий Фарғона ботиклигини тектоник районлаштиришнинг кўп сонли схемалари ишлаб чиқилган. Масалан: геофизик усуллар билан олинган фундамент юзаси ва таркиби бўйича (Б.Б.Таль-Вирский, Ф.Х. Зуннунов, и др., 1964; А.И.Рибин, 1959; А.Р.Хўжаев ва П.К.Азимов, 1965) ва ер пўстида кечаётган геодинамик жараёнларга асосланган тектоник схемалар яратилган (А.А. Обидов, Ф.Г. Долгополов ва б., 2009; К.А. Клещев, В.С. Шеин ва б., 1986; А.Л. Шейнкман, Н.Н. Сигачева ва б., 1993) алоҳида аҳамиятга эга.

Фарғона ботиклигининг кайнозой ётқизикларидаги нефть ва газга оид чуқур бурғилаш ишлари ўтган аср бошларида бошланган ва турли тектоник зоналарда жойлашган майдонларда олиб борилмоқда. Бу ерда профессор, техника фанлари доктори А.К. Рахимов бошчилигида ва бевосита иштирокида кўплаб мутахассислар, хусусан Э.Ю. Шокиров, М.А. Абдурахимов, А.Х. Рашидов, Н. Толипов, Х.С. Фаррахов ва б. томонидан кучли нефть-газ фаввораларини бартараф этиш ва беркитишнинг турли усуллари такомиллаштирилган (Чуст-Пап 6, Гумхана 3, 4, 6, Мингбулоқ 5, Вориқ 48, 25, Хартум 82, Шимолий Сох 1 ва б.). Шунингдек ўта чуқур - 6000-6500 м қудуқларни бурғилаш ва аномал юқори қатлам босими (АЮҚБ) шароитларида маҳсулдор қатламларни очиш технологиялари такомиллаштириб борилди.

Тўпланган УВларни излаш мақсадида кайнозой ётқизикларини аниқ мақсадда ўрганиш ишлари ўтган аср бошларидан бошланган бўлиб, ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Кайнозой кесимининг неогенга оид қисми, гарчи уларда УВларни саноат миқёсидаги тўпланишлари кўплаб конларда исботланган, ва бу ердаги ётқизиклар очилган ва углеводородларнинг саноат миқёсидаги оқимлари олинган бўлсада, нисбатан камроқ ўрганилган. Аммо, Фарғона ботиклиги кайнозой эраси неоген ётқизикларининг нефть-газга истиқболлилик масаласи ечилмай қолмоқда, уларнинг кесими палеоген ётқизиклари билан параллел равишда ўрганиб келинмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” ДМ, Х.М.Абдуллаев номидаги “Геология ва геофизика институти”, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Ўзбекгеофизика” АЖларининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: “2020-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида нефть ва газга оид геологик-қидирув ишларининг стратегик дастури” V-том - Фарғона региони (2005); 8-05 УГФ “Кейинчалик объектларни аниқлаш ва чуқур бурғилашга тайёрлаган ҳолда сейсмик-қидирув ишларини йўлга қўйиш учун биринчи галдаги участкаларни танлаш мақсадида Фарғона ботиклигидаги маҳаллий кўтарилмалар зоналарида антиклинал тутқичларнинг тектоник кўрсаткичларини ўрганиш” (2005-2008); ПД 53-08 УГ “Сейсмик-қидирув ишларини йўлга қўйиш учун биринчи навбатдаги участкаларни аниқлаш мақсадида Ғарбий Фарғонанинг мезозой ва юқори палеозой ётқизикларини структуравий хусусиятларини ўрганиш” (2008-2010); 12/2007-2009- мавзули партияси ҳисоботи “Фарғона ботиклиги

Шимолий сурилмаси доирасида УЧНМ-2D ва УЧНМ-3D сейсмик-қидирув ишлари учун истиқболли объектлар ва участкаларни прогноз қилиш мақсадида геологик-геофизик маълумотларни таҳлил қилиш” (2007-2008); "Фарғона ботиқлигининг жанубий чеккасида МОВЗ сейсмик қидирув ва бурғилаш ишларига оид тадқиқотлар материалларини талқин қилиш ва қайта таҳлил қилиш (2002 - 2005); "Фарғона ботиқлиги жанубий чеккасининг марказий қисмида Марказий қисмида УЧНМ-3D га оид излаш-қидириб чамалаш сейсмик қидирув ишлари" (2014-2017); "Фарғона ботиқлигининг Шимолий чеккаси марказий қисмида УЧНМ-3D га оид сейсмик қидирув ишлари" (2016-2020); "Фарғона ботиқлигининг Шимолий ва Жанубий чеккаларида УЧНМ-3D бўйича излаш-қидириб чамалашга оид сейсмик қидирув ишлари" (2019-2022) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона ботиқлиги кайнозой эраси ётқизикларини геологик тузилишини аниқлаштириш, структуравий-тектоник районлаштириш, нефть ва газ уюмларини излашнинг асосий устувор йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона ботиқлиги кайнозой ётқизикларининг геологик тузилиши, стратиграфияси ва тектоникасини УЧНМ-2, 3D сейсморазведка ва ҚГТ маълумотларини комплекс тадқиқ қилиш ва бурғилаш натижалари асосида аниқлаштириш;

кайнозой ётқизикларини бир ўлчамли сейсмик моделлаш асосида тўлқин қайтарувчи чегараларнинг табиатини ва стратиграфик боғланишини аниқлаш;

янги бурғиланган қудуқларни, ҚГТ ва УЧНМ 2, 3D сейсмик қидирув натижаларини ҳисобга олган ҳолда, Фарғона ботиқлиги кайнозой ётқизиклари кесимларини стратиграфик бўлаклаш ва корреляциялаш (таққослаш);

нефть ва газга истиқболли бўлган янги ва “ўтказиб юборилган” горизонтлар ва қатламларни аниқлаш, уларни қайта синовдан ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

кейинги геологик-қидирув ишларини олиб боришга доир истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш мақсадида дунёдаги нефть-газга истиқболли ҳавзалар ва Фарғона ботиқлиги кайнозой ётқизиклари бўйича қиёсий таҳлил қилиш;

нефть ва газ тўпланиш зоналари ва маҳаллий (локал) объектларнинг шаклланишида тектоник узилишлар аҳамиятини аниқлаш;

палеоген даври туркистон ётқизикларининг устки қисмига тўғри келувчи V-горизонт бўйича УЧНМ-2, 3D сейсмик-қидирув ва Фарғона ботиқлиги доирасидаги чуқур бурғилаш маълумотлари асосида структуравий-тектоник модели (харита)ни тузиш ва районлаштириш;

УЧНМ-2, 3D сейсмик-қидирув ишларини амалга ошириш учун энг истиқболли участкаларни аниқлаш ҳамда параметрик ва разведка қудуқлари ўрнини белгилаш учун биринчи навбатдаги объектларни танлаш;

Фарғона ботиклиги кайнозой ётқизикларида углеводород хом ашёсини излаш учун илгари бурғиланган ва бурғилашдан чиқарилган истиқболли структураларни бурғилашга қайтариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Фарғона ботиклигининг кайнозой ётқизиклари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Фарғона ботиклиги геологик тузилишини ва структуравий-тектоник ўзига хосликларини, шунингдек нефть ва газ объектларини кайнозой ётқизикларида жойлашиш шарт-шароитларини аниқлаштириш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда геофизик материалларни ва чуқур бурғилаш натижаларини талқин қилишда “Paradigm”, “Petrel”, “Integral Plus” аппарат-дастурий мажмуаларидан фойдаланган ҳолда: структуравий моделлаштириш; нефть ва газ ҳавзаларининг геологик тузилишини қиёсий таҳлил қилиш; ҳудуднинг геологик тузилишини график-аналитик акс эттириш; маҳаллий ва минтақавий нефтьгазлиликни прогнозлаш усулларида фойдаланилди

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона ботиклигининг структуравий-тектоник тузилиши хусусиятлари ва кайнозой ётқизикларининг нефть-газга истиқболлиги аниқланган;

тўлқин майдонларини моделлаштириш асосида кайнозой ётқизикларининг қуйи неогенга тегишли қисмидаги тўлқин қайтарувчи чегараларнинг ўзига хос табиати исботланган;

нефть ва газнинг тектоник, литологик ва стратиграфик чекланган тутқичларини сейсморазведка-3D асосида излаш ва аниқлашнинг мезонлари аниқланган;

Фарғона ботиклигининг айрим нефть-газга истиқболли майдонларида палеоген даври гил қатламларида углеводородларни қамраб олган янги қатлам-коллекторлар аниқланган;

нефть-газга оид геологик-қидирув ишларининг кейинги устувор йўналишларини аниқлаш учун Фарғона ботиклигининг, шу жумладан Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларини айрим қисмларини ўз ичига олган ҳолда, палеоген ётқизикларининг V горизонти устининг структуравий-тектоник модели (харитаси) ишлаб чиқилган;

илк бор нефть-газ тўпланадиган ва структуравий-тектоник зоналарни ажратган ҳолда палеоген даврининг туркистон қатламларини юқори қисми бўйича Фарғона ботиклигини структуравий-тектоник районлаштириш схемаси ишлаб чиқилган;

антиклинал ва ноантиклинал турдаги янги истиқболли объектларни излаш, аниқлаш ва чуқур бурғилашга тайёрлаш учун геологик-геофизик усулларнинг энг мақбул комплекси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона ботиклигидаги кайнозой эраси ётқизикларининг нефть-газга истиқболлилиги ва структуравий-тектоник тузилиши муфассаллаштирилган;

Хонқиз, Қашқарқир, Ғарбий Полвонтош, Чимён, Хартум, Аввал, Марказий Аввал ва бошқа ишлатилаётган конлардаги кайнозой

ётқизикларининг геологик кесимидаги айрим нефть-газли ораликларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги аниқланган;

нефть-газ учун бажариладиган геологик-геофизик ишларни режалаштиришда фойдаланиш мақсадида Фарғона ботиклигининг барча қисми учун палеоген даври туркистон қатлами V горизонтининг юзаси бўйича структуравий харита тузилган;

янги геологик-геофизик маълумотлар асосида палеоген ва неоген ётқизиклари бўйича ишлаб чиқилган структуравий хариталардан фойдаланилган ҳолда янги истиқболли структураларни аниқлаш учун истиқболли участкалар аниқланган;

Фарғона ботиклигининг кайнозой комплексида углеводородлар тўпланишига истиқболли бўлган антиклинал ва ноантиклинал турдаги объектларни излаш учун геологик-қидирув ишларининг самарадор йўналишлари ишлаб чиқилган;

ботикликнинг жанубий-шарқий қисмидаги мезо-кайнозой ётқизикларида локал структуралар тарқалган зона ажратилган, уларнинг 15тасидан ортиғи нефть-газ учун чуқур бурғилашга тайёрланган;

Қашқарқир, Марказий Аввал (палеоген ётқизиклари) ва Марказий Аввал, Учтепа, Чақар (бўр ва юра ётқизиклари) конларининг очилиши билан локал структураларнинг Қашқарқир – Аввал зоналарини саноат миқёсида нефть-газлилиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги геологик ва геофизик тадқиқотлар материаллари, шу жумладан 10 000 пог. км. сейсморазведка УЧНУ-2D ва 9910 кв. км УЧНУ-3D натижалари, 500 дан ортиқ кудуқлардаги бурғилаш маълумотлари, жумладан, керн ва шламларни ўрганиш, ҚГТ, кудуқлардаги намуна олиш ва синов ишлари билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефть ва газ уюмларини излашнинг стратиграфик доирасини кенгайтириш ва захираларни кўпайтириш мақсадида Фарғона ботиклиги кайнозой ётқизикларини структуравий-тектоник районлаштириш ва нефть-газлилик истиқболлини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳар хил турдаги ноантиклинал тузилмаларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишга, юқори палеоген давридаги қумли ётқизиклари таркибида илгари номаълум ва текширилмаган қатламларни аниқлашга, Бухоро даври хемоген чуқиндиларида ёриқли коллекторларни ва бурғулашдан олиб ташланган истиқболи ноаниқ тузилмаларда қидирув ишларини давом еттириш йўналишларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Фарғона ботиклиги кайнозой ётқизикларининг структуравий-тектоник хусусиятларини аниқлаш ва унинг нефть газлилик истиқболларини илмий асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

Марказий Аввал ва Шўрсув (Шорсу-IV) конларида мезозой ва палеозой ётқизикларининг ички тузилишини ва нефть газлилигини ўрганиш

мақсадида параметрик кудукларни мақбул нуқталарга жойлаштириш “Ўзбекгефтгаз” АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекгефтгаз” АЖнинг 2023 йил 2 мартдаги 04-23-сон маълумотномаси). Натижада, бўр ётқизикларининг кесими, уларнинг хусусиятлари, нефть ва газга истикболи, мукамал ўрганилди. Марказий Аввал майдони бўр ётқизикларининг XVIII-горизонтидан кунига 80 минг.м³ миқдорда саноат миқёсидаги газ оқимини олиш имконини берган;

Шарқий Қашқарқир структурасида палеоген ётқизикларининг ички тузилиши ва нефть-газлигини ўрганиш мақсадида 2-сонли излов кудуғини оптимал жойлаштириш “Ўзбекгефтгаз” АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекгефтгаз” АЖнинг 2023 йил 2 мартдаги 04-23-сон маълумотномаси). Натижада, кудукни жойлашиш ўрни аниқланиб у бурғилаш режасига киритилди, шунингдек палеоген ётқизикларининг нефть-газга истикболлиги ҳамда нефть ва газнинг янги уюмларини очиш имкониятларин баҳолаш имконини берган;

Учтепа кони мел ётқизикларининг ички тузилиши, нефть ва газга истикболлини ўрганиш мақсадида 8 ва 9 излов кудукларини жойлаштириш "Ўзгеобурнефтегаз" АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекнефтегаз АЖнинг 2023 йил 2 мартдаги 04-23-сон маълумотномаси). Натижада, 8-излов кудуғидан бўр ётқизикларининг XVIII горизонтидан кунига саноат миқёсидаги 80 минг м³ газ ва 57 тонна конденсат оқимларини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий ва илмий-техник анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий мақолалар чоп этилган. Шундан: 1 та монография, 9 та илмий мақола, 17 тезислар Халқаро ва Руспублика миқёсидаги илмий анжуманларда. Жумладан 7 та республика ва 3 таси фан доктори диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва тадқиқот мавзусининг муҳимлиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва уларни ҳал қилиш йўллари таърифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, иш натижаларининг амалиётда жорий этилиши очиб берилган,

нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **"Фарғона ботиклиги геологияси, тектоникаси, стратиграфияси ва нефть-газлиги ҳақидаги мавжуд фикрларга оид маълумотлар"** деб номланган биринчи бобида муаммонинг ўрганилганлик ҳолатининг таҳлили келтирилган. Фарғона ботиклигининг нефть ва газга боғлиқлигини ўрганишга оид қисқача маълумот, Фарғона ботиклиги тектоник схемасига оид қарашлар эволюцияси баён қилинган, стратиграфия, нефть-газлик масалалари, шунингдек, углеводородларнинг анъанавий ва ноанъанавий тутқичларини прогноз қилиш ва излаш муаммолари ҳамда унинг Фарғона ботиклигида ўрганилганлик ҳолати умумлаштирилган.

Фарғона ботиклиги тектоникаси, стратиграфия, нефть ва газличилиги, унинг прогнози, чўкинди қоплами литологияси ва палегеографияси масалаларини ўрганишга А.М. Акрамхўжаев, Г.С. Абдуллаев, А.А. Обидов, П.К. Азимов, А.Г. Бабаев, Т.Л. Бобожанов, О.М. Борисов, П.П. Васильковский, О. С. Вялов, А.М. Габрильян, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, Жумагулов А.Ж., Ф.Х. Зуннунов, З.С. Ибрагимов, А.В. Киршин, К.А. Клещев, Р.У. Каломазов, Э.А. Мамаджанов, А.Х. Нугманов, Ш.С. Раджабов, Ш.Г. Саидхўжаев, М.С. Сайдалиева, Б.Б. Ситдиқов, С.Н. Симаков, Д. Сирожидинов, Б.Б. Таль-Вирский, В.И. Попов, Ю.Г. Педдер, О.А. Рижков, А.Р. Хўжаев, В.С. Шеин, М.Э. Эгамбердиев, С.С. Шульц ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Ушбу кўп қиррали тадқиқотлар натижаларидан минтақанинг чуқур геологик тузилишини ўрганишда асос сифатида фойдаланилган.

Фарғона ботиклигини тектоник районлаштиришда тузилган схемалар ичида, геофизик усуллар билан олинган фундамент юзаси ва таркиби бўйича (Ф.Х. Зуннунов, Б.Б. Таль-Вирский ва б., 1964; А.И. Рибин, 1959; А.Р. Хўжаев ва П.К. Азимов, 1965), ҳамда ер қобигида кечаётган геодинамик жараёнлар асосида (А.А. Обидов, Ф.Г. Долгополов ва б. 2009; К.А. Клещев, В.С. Шеин ва б. 1986;) тузилган тектоник схемалар алоҳида ахамиятга эга.

Чўкинди қопламда аниқланган, тайёрланган, бурғилашдан чиқарилган ва бурғилаш жараёнидаги барча структуралар фонди: тайёрлаш усуллари билан; тайёрлаш сифати; объектлар турлари (антиклинал, тектоник, стратиграфик ва литологик жиҳатдан чекланган); муваффақиятлилик коэффициенти бўйича материаллар (фонд) таҳлил қилинган. Тектоник зоналар, жойлашиш чуқурликлари, стратиграфик боғлиқлиги бўйича тарқалиш йўналишлари кўриб чиқилган. Қиёсий таҳлил натижаларига кўра хулосалар чиқарилди ва улар асосида кейинги иш йўналишлари учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **"Кайнозой чўкиндиларида анъанавий ва ноанъанавий углеводород (УВ) тутқичларини прогноз қилиш ва излаш муаммолари ва уни Фарғона ботиклигида ҳал қилинганлик даражаси"** деб номланган иккинчи бобида мезо - кайнозой ётқизиқларида углеводородларнинг (УВ) анъанавий ва ноанъанавий тутқичларини излаш ва прогноз қилиш; уюмларнинг асосий турлари; уларнинг кайнозой

ётқизикларида жойлашиш шарт-шароитлари, белгиланган вазифаларни ҳал қилишда уларнинг самарадорлигини баҳолаш, кайнозой ётқизикларини ўрганиш мақсадида бажарилган геологик-қидирув ишлари комплексига доир муаммолар батафсил кўриб чиқилган. Шунингдек, Фарғона ботиклиги мезо-кайнозой ётқизикларидаги барча тоифадаги нефть-газга истиқболли объектлар фондлари қиёсланган ва таҳлил қилинган (Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ҳудудлари).

Фарғона нефть-газли региониди (ФНГР) кайнозой, мезозой ва юқори палеозой нефтгазли қаватлар ажратилади. Ушбу қаватларнинг чўкинди жинслар кесимида қуйидагилар: перм-триас (юқори палеозой қавати), юра, бўр (мезозой қавати), палеоген ва неогеннинг (кайнозой қавати) нефть-газли комплекслар (НГК) ажратилади.

Ҳозирда Фарғона нефть-газли региониди 61 та нефть ва газ конлари очилган ва улар маъмурий жиҳатдан қуйидаги тарзда жойлашган: Тожикистонда – 11 та, Ўзбекистонда – 33 та ва Қирғизистонда – 19 та. Тектоник планда уларнинг 48 таси Жанубий поғона доирасида, 2 таси Жанубий ўтиш тасмасида, 5 таси Марказий Фарғона мегасинклиналида ва 9 таси Мойлису-Қорагундай кўтарилмасида жойлашган. УВларнинг таркиби бўйича улар қуйидагича бўлинган: газ кони – 6 та, газ конденсатли конлар – 5 та, нефть кони – 5 та, нефть-газли – 17 та, нефть-газ-конденсатли – 4 та. Жами 290 та УВ уюмлари аниқланган бўлиб, улардан 166 таси нефтли, 83 таси газли, 23 таси нефть-газли, 11 таси газ дўшпили, 6 таси газ-конденсатли, 1 таси конденсатли. Стратиграфик комплекслар бўйича улар қуйидагича тақсимланган: неоген (N) даврига оид 27 та, палеоген (P) – 159 та, бўр (K) – 65 та, юра (J) – 33 та, палеозой (Pz) – 6 та (Расм).

Юқори палеозой нефть газли комплекси потенциал маҳсулдор деб ҳисоблаш мумкин бўлган 5 та горизонтлар билан ифодаланган (А.А. Обидов ва б. 1996, Каломазов ва б. 2004): қатламлар қалинлиги 25 м. дан 60 м. гача бўлган I; II; III; IV ва V горизонтлар алевролитлар ва гиллар қатламчалари мавжуд бўлган кумтошлар, оҳактошлар билан ифодаланган. Барча ишлаб чиқариш майдонларидаги горизонтлардан УВлар оқимлари олинган, бу эса биз кўриб чиқаётган ётқизиклар комплексининг истиқболлилигини кўрсатади.

Юра даври УВ комплексида 11 та газ ва 4 та нефть конлари очилган бўлиб, бу жойда 8 та ўтказувчан терриген горизонтлар аниқланган, улар бири-биридан зич гил жинслар билан ажратилган конгломератлар, гравелитлар ва кумли-алевролитли аралашмалар (XXIII–XXX горизонтлар) билан ифодаланган. Юра даврининг асосий маҳсулдор горизонтлари унинг ўрта бўлими билан боғланган бўлиб, унинг кесимида XXIX, XXVIII, XXVII, XXVI, XXV, XXIV ва XXIII горизонтлар ажралиб туради. Юра даври комплексида газ тўпланиши кўпроқ бўлиб, улар Жанубий НГР доирасида кўпроқ учрайди, бу жойдаги юра даври комплексида бурғилаш ишларини амалга ошириш мумкин.

Бўр даври НГ комплексида 15 та кон мавжуд, улардан: 3 таси – нефть, 5 таси – нефть-газ, 6 таси – газ ва 1 таси – газ-конденсат. Бу ерда 10 та

Жанубий поғона доирасида 500-800 м дан то 5200-6000 м гача чуқурликда жойлашган неоген давридан то юқори палеозой эрасигача бўлган ётқизиқлар нефть-газли ҳисобланади. Нефть ва газ уюмлари баъзан терриген, бошқа ҳолларда денгиз, кўрфаз бўйи, шунингдек келиб чиқиши континентал бўлган карбонатли комплексларга тўғри келади.

Терриген континентал ҳосилалардан таркиб топган неоген комплексида 9 та нефть конлари ажратилган, уларнинг 5 таси Жанубий, 3 таси Мойлисув-Қорагундай ва 2 таси Марказий нефть-газли районларда жойлашган.

Фарғона ботиклигида нефть ва газга оид геологик-қидирув ишларини олиб боришда геологик съёмка, геокимёвий тадқиқотлар ва аэрокосмик дешифрировка (тафсир)лаш билан уйғунликда геофизикнинг барча усуллари қўлланилган. Бироқ, нефть-газга оид изланиш ишларида УЧНУ 2, 3D модификацияланган сейсмик-қидирув ВЭЗ-ВП, ЧЗ-ВП, МТЗ электр-қидирув усуллари билан уйғунликда олиб борилган.

Нефть-газни излаш жараёнларида ўтказилган геофизик тадқиқотларнинг самарадорлиги ва натижаси дала кузатувлари ишларининг методикаси ва техникасининг қулайлиги, олинган маълумотларнинг ишланиши ва иш натижалари талқин қилинишидан келиб чиқиб аниқланади. Дала сейсмик-қидирув ишларининг УЧНУ-2, 3D методикаси ва техникасининг оптимал параметрларини танлаш учун диссертант томонидан “Ўзбекгеофизика” АЖ, “СОКАР” (Озарбайжон)да ва “ИНТЕГРА” (Россия), «СНРС» – Хитой, «ЗАО Тектоник» – «Қирғизгеофизика», “ДАНК” Қозоғистон илмий-ишлаб чиқариш фирмаси сингари инвесторлар фойдаланилаётган барча услублар қиёсий таҳлил қилинди.

Таҳлиллар ва фойдаланилган иш услубларини қиёслаш натижаларидан келиб чиқиб Фарғона ботиклигининг мезокайнозой ётқизиқларини хариталашнинг самарадорли услубиёти - УЧНУ-2, 3D сейсмик қидирув методларининг энг мақбул параметрлари тавсия қилинди.

Диссертациянинг **“Фарғона ботиклиги кайназой ётқизиқлари ҳавзаларини дунёдаги кайнозой ҳавзалари билан қиёсий таҳлили ва унинг натижалари”** деб номланган учинчи бобида Фарғона регионини дунёнинг шу турдаги нефть ва газли ҳавзалари билан қиёсий таҳлиliga бағишланган. Шу билан бирга мазкур диссертация тадқиқотида нефть-газли ҳавзаларни нефть-геологик районлаштириш, нефть-газли ҳавзаларни турларга ажратиш ва таснифлаш масалалари кўриб чиқилмаган.

Нефть ва газли провинцияларни ва ҳавзаларни тектоника, тектоно-динамика, тарихий-тектоника ва геодинамика нуқтаи назардан таснифлаш ишлари турли йилларда А.А. Обидов (2009), Э.А. Бакиров (1990), И.О. Брод (1964), И.О. Брод ва б. (1965), М.С. Бурштар (1973), А. Бейли (Bally, 1975), И.В. Высоцкий (1971), В.Ф. Раабен 1978), Т. Томпсон (Tompson, 1976), ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар томонидан бажарилган.

Дунёда ва Фарғона регионидagi кайнозой ҳавзалари жойлашишининг геологик ва тектоник шарт-шароитларини қиёсий таҳлил қилиш ишларида А.А. Обидов (2009) ва И.О. Брод, И.В. Высоцкий (1965)ларнинг таснифи танланган. Бу ерда гуруҳ “Палеозой бурмаланиш тизимларининг тоғлараро

ботикликлари ва замонавий геосинклинал ҳавзалари” номи остида бирлаштирилган. Бунда регионнинг геологик ривожланиш тарихини ўхшашлиги, геологик-тектоник жойлашиш шарт-шароитлари, геологик кесимни стратиграфик тузилиши, қалинлиги, кесим ва коллекторларнинг литологик таркиби, коннинг структураси, маҳсулдор ётқизикларнинг стратиграфик ўрни, уюмлар турлари ва бошқалар асосий мезон бўлиб ҳисобланган.

Ушбу ҳавзаларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида кайнозой ётқизиклари нефть-газлининг стратиграфик тақсимланиши ўрганилган ва кайнозой ётқизиклари, геологик кесимининг деярли барча стратиграфик бўлимлари тўртламчи даврга қадар, у ёки бу ҳавзада нефть-газли ҳисобланадилар.

Барча ҳавзалардаги геологик кесим чўқинди ётқизикларидан таркиб топган бўлиб, неогендан, кам ҳолларда палеогендан (эоцен ёки олигоцен)дан бошланади ва плиоцен-плейстоцен билан якунланади (баъзида ҳозирга қадар давом этмоқда). Кесимнинг қуйи қисми, миоцен устига қадар денгиз ётқизикларининг трансгрессив серияларидан (Фарғонада палеоген даврининг денгиз карбонат ётқизиклари сингари) ташкил топгани ҳолда, таркибида қалин гилли қатламлар ривожланган ва улар одатда нефтьни яратаолувчи қатлам сифатида қаралади. Геологик кесимнинг юқори қисми кесим бўйича юқорига ўтувчи ётқизикларнинг континентал регрессив денгиз сериясини ўз ичига олади. Кесимнинг ушбу қисми учун қумли материаллар билан тўйиниб бориши ва коллекторлар бўлиб хизмат қилувчи (Марказий Фарғона мегасинклиналининг Бактрий қатлами каби) қумли горизонтларнинг тўпланиши билан характерли ҳисобланади.

Конлар асосан антиклинал ва брахиантиклинал структуралар билан боғлиқ бўлиб, маҳсулдор ётқизиклар – миоцен, плиоцен ва баъзида олигоценда; уюмлар турлари – массив гумбазли ва тектоник экранланган гумбазли шаклда учрайди. Маҳсулдор горизонтларнинг литологик таркиби – гиллар, мергеллар ва конгломератлар, гилли сланецлар, алевролитлар, аргиллитлар, туфлар ва б. билан қаватланган қумтошлардан иборат. Неоген даврининг миоцен ётқизиклари 15 тагача (ФМВ-3), плиоцен ётқизиклари эса 20-21 тагача (ФМВ-2) нефть-газли қатламларни ўз ичига олади. Масалан, Қобистон-Кури ботиклиги неогенининг миоцен ётқизиклари 3-4 тагача (ФМВ-3), плиоцен 15-16 тагача (ФМВ-2) нефть-газли қатламларни Фарбий Туркманистон ботиклиги эса 15-16 та нефтьли ва 4 тагача газли горизонтларни ўз ичига олади. Палеогенда, Фарғонадаги каби, уюмларнинг катта миқдори эоцен ётқизикларига, сўнгра олигоцен ва нисбатан камроқ миқдорда палеоценга тўғри келади.

Неогенда уюмларнинг катта миқдори миоцен ётқизикларида (Фарғонада неогенининг ғишт ранг-қизил ва оч пушти свитаси), нисбатан камроқ – плиоценда ва энг кам миқдорда тўртламчи давр ётқизикларида тўпланган.

Фарғона кайнозойининг неогенга оид қисмида аниқланган уюмлар миқдори ва уларнинг турлари бўйича дунёнинг бошқа нефть-газли ҳавзаларига нисбатан, айниқса унинг Марказий чуқур жойлашган зонада

анча кам. Кўплаб ҳавзаларда кесимнинг неогенга оид қисми литологик таркибининг Фарғона ҳавзаси билан бир турга яқин бўлгани ҳолда нефть ва газ уюмларининг катта миқдорини 1-дан 25-46 тагачани (Карпатолди-Балхан, Трансильван, Паннон, Вена, Адриатика ва б.) ўз ичига олади. Деярли барча НГХларида неоген коллекторларининг литологик таркиби Фарғона НГХга ўхшаш бўлиб, гиллар, аргиллитлар ва б. билан қат-қатлашган қумлар ва кумтошлардан ташкил топган.

Кайнозой ётқизиқлари бўйича бажарилган қиёсий таҳлиллар натижаларига асосланган ҳолда Фарғона НГХ шароитларида кайнозойнинг неоген ётқизиқларининг марказий қисмида қўшимча тарзда миоцен-плиоцен ётқизиқларининг потенциал нефть-газли қатламларини аниқлаш мумкин.

Диссертациянинг **“Фарғона ботиқлиги кайнозой ётқизиқларининг структуравий-тектоник тузилиши хусусиятлари”** номли тўртинчи боби беш қисмдан иборат. У кайнозой ётқизиқларининг тўлқин қайтарувчи чегараларининг стратиграфияси, УЧНМ-2, 3D сейсмик-қидирув ва бурғилаш маълумотлари бўйича палеоген даврининг туркистон қатламлари устига тўғри келувчи $T(P_v)$ горизонтининг структуравий-тектоник моделини (харитасини) тузишга, Фарғона тоғлараро ботиқлиги (Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон) кайнозой ётқизиқларини структуравий-тектоник районлаштириш масалаларига бағишланган.

Фарғона ботиқлигидаги 3D тадқиқот маълумотларини талқин қилишда асосий масалалардан бири, ўрганилган чегаралар ва қатламларнинг петрографик параметрларини аниқлаш ҳамда тўлқин қайтарувчи чегараларни (ҚЧ) батафсил боғлаш ҳисобланади. Маълумки, Фарғона ботиқлигининг кайнозой ётқизиқлари, айниқса унинг пастки неоген қисми юпқа қатламли кесимдаги, кўпинча литологик жиҳатдан латерал ва горизонтал равишда ўзгарувчан геологик муҳит билан ифодаланган. Кўпгина ҳолларда, унумдор қисмини қоплайдиган бутун қудуқ бўйлаб вертикал сейсмик профилларининг (ВСП) етишмаслиги туфайли, одатда тўлқин қайтарувчи чегараларни боғлаш экстраполяция, яъни тўғридан-тўғри (тушувчи) ва қайтарувчи тўлқинларнинг годографларини узайтириш орқали амалга оширилган. Бунда қайтарувчи қатламни боғланиши ва чегараларининг чуқурлигини аниқлашда хатоликлар келиб чиқади.

Қайтарувчи чегараларни аниқ боғлаш муаллиф томонидан ҚГТ, ВСП ҳамда тўлқин майдонларини моделлаштириш натижаларидан комплекс фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бажарилган иш натижасида қуйидаги тўлқин қайтарувчи қатламлар аниқланди: К – мезозой ётқизиқлари юқорисидаги қайтарувчи чегара билан боғлиқ; Т – ўрта палеогенни туркистон қатламидаги карбонат ётқизиқларидаги V маҳсулдор қатлам юқориси билан боғлиқ; T_1^1 қизил-ғишт рангли свита (ҚФС) қатламларини юқорисига боғланган. Тўлқин қайтарувчи чегараларнинг табиатини таҳлил қилиш ва ўрганиш натижаси қуйи неоген чўкиндиларидаги (ҚФС) тўлқин қайтарувчи чегаралар бир-бирига яқин акустик параметрлар (зичлик, қайтариш коэффициенти, акустик қаттиқлиги ва бошқалар) билан

тавсифланган бир неча қатламларнинг йиғиндисидан иборат эканлиги аниқланди.

Сигналнинг шаклланишда чегара улуши литологик таркибга боғлиқ ва, асосан қумли қатламлар ижобий ҳисса кўшган, гилли қатламлар эса кўп ҳолларда сигнал амплитудасини пасайтиради. Сигналнинг биринчи кўринадиган фазаси ККС ётқизиқларида турли литологик ётқизиқларнинг кўплаб юпқа қатламлар мавжуд бўлган, қалинлиги 50-120м. бўлган кесимнинг бир қисмини қамраб олади. Ушбу омил, сигналнинг динамик параметрларидан фойдаланган ҳолда прогноз қилиш масалаларини ҳал қилишда, шунингдек сейсмик-қидирув маълумотларини сейсмостратиграфик талқин қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, палеоген кесимидаги бир ёки иккидан ортиқ оҳактошларнинг қалин қатламлари билан боғлиқ.

Сейсмик-қидирувнинг УЧНМ-2, 3D усуллари ва бурғилаш маълумотлари асосида $T(P_v)$ горизонти, палеогеннинг туркистон қатламлари бўйича 1:200 000 масштабда структуравий харита тузилди. Ушбу харита асосида кайнозой ётқизиқлари бўйича Фарғона ботиқлигини структуравий-тектоник районлаштириш амалга оширилди. Фарғона ботиқлиги шароитида диссертант томонидан илк бор нефть-газ тўпланишлари зонаси (НГТЗ) ва маҳаллий кўтарилмалар зонаси ўрнига структуравий-тектоник зоналар (СТЗ) каби тектоник бирликлардан фойдаланиш таклиф этилди. Структуравий-тектоник районлаштириш Ғарбий Сибир, Тиман-Печора, Урал, Сибир, Сорокин вали, Колвинский мегавали ва б. кўпгина нефть-газли ҳавзаларда кенг қўлланилиб келмоқда.

Районлаштириш натижасида 5 та нефть-газ тўпланиш зоналари ажратилган: Ғарбий Фарғона, Жануби-Шарқий Фарғона, Марказий Фарғона, Шимолий Фарғона ва Шарқий Фарғона.

Ғарбий Фарғона НГТЗ тектоник планда Жанубий поғонанинг ғарбий қисмида жойлашган ва регионал бузилишларнинг субкентликдаги йўналиши бўйлаб ғарб томонга чўзилган. Ўлчамлари - 158,0 x 15,0 км, нефть-газга истиқболли майдони - 2300 кв.км. Ушбу зона доирасида Аучи-Калачи (СТЗ₁); Тагоп-Қорағоч (СТЗ₂); Конибодом-Вариқ (СТЗ₃) ва Сох-Риштон (СТЗ₄) структуравий-тектоник зоналар ажратилган.

Жанубий-Шарқий Фарғона нефть-газ тўпланиш зонаси (НГТЗ) Жанубий поғонанинг шарқий қисмига тўғри келади ва у амалда олдинги зоналарни айна шундай вазиятда давом эттиради. Ўлчамлари 132,0 x 25,0 км., нефть-газга истиқболли майдон - 3300 кв.км. ташкил қилади. Унинг доирасида Чимён-Хонқиз (СТЗ₅); Аввал-Кармакўл (СТЗ₆); Андижон-Полвонтош (СТЗ₇); Учтепа-Қўрғонтепа (СТЗ₈) ва Хартум (СТЗ₉) структуравий-тектоник зоналар ажратилган.

Марказий Фарғона нефть-газ тўпланиш зонаси (НГТЗ) тектоник жиҳатдан Марказий Фарғона мегасинклинали доирасида ажратилган. У ғарбдан шарқ томон чўзилган бўлиб, йўналиши ва чўзилиши бўйича турлича бўлган кўплаб тектоник бузилишлар билан мураккаблашган. Бу ерда Ғурумсарой, Бешариқ, Дамкўл, Қорадарё каби чуқур эгикликлар билан ажралиб турувчи кўплаб антиклинал структуралар қайд этилган бўлиб, бу

ердаги таянч горизонтининг мутлак кўрсаткичлари 6 900 м чуқурликга қадар тушган. Ўлчамлари 172,0x76,0 км, нефть ва газга истиқболли майдони - 13,100 кв.км.ни ташкил этади. Унинг доирасида қуйидаги структуравий-тектоник зоналар (СТЗ) ажратилган: Махрам (СТЗ₁₀); Сарикўрғон-Яйпан (СТЗ₁₁); Олтиариқ (СТЗ₁₂); Гумхона (СТЗ₁₃); Қўқон-Мингбулоқ (СТЗ₁₄); Қоражида (СТЗ₁₅); Ҳаққулобод (СТЗ₁₆); Оқчоп-Супетов (СТЗ₁₇); Чуст-Поп (СТЗ₁₈); Резак-Косонсой (СТЗ₁₉).

